



# ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 16 апрел, жума № 63 (1696)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Шу кунларда комбинатимиз ишчи-хизматчилари ҳажронли онларни бошдан кечиримокда. Бонси, қадрдон корхонамизнинг 60 йиллик тўйи кенг нишонланмоқда. Шундай дамларда беҳтиёр босиб ўтирган йўлга назар ташлайсан киши. Бизда турли миллат вакиллари қўлни қўлга бериб, ҳамкору ҳамжихатликда меҳнат қиладилар. Эришилган натижалар, муваффақиятларидеги ўзгаришлар ана шу дўстлик-қадрдонлик мева-сидир.

## ҚАТОРДА НОРИНГ БЎЛСА

Дастлабки кезлар корхонада иккита мартен печи, чўян қуйиш, электр механика ва бошқа цехларда 1400 нафарга яқин киши меҳнат қилган. Оддий кишилар орасидан номдор пўлат қуювчилар, ташаббускорлар етишиб чиққан. Эндиликда цехларимиз сони 30 дан ошиб кетди. Касаба уюшма қўмитаси раиси сифатида цехларни айланиб, ишчиларнинг озу-интилишлари, хоҳиш-истаклари билан яқиндан танишар эканман, ажойиб мактаб яратилганлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қуламан. Бу ерда иш-лашни орзу қилган ёшлар жуда кўп. Бахти чошиб, бизнинг пўлат қуювчиларимиз сафида бўлиш насиб этса, ёш ишчи биринчи кундан меҳр оғушига олинади. Метин иродали, жараёнлари пўхта ўзлаштирган, бир неча касбни эгаллаган қўлгул мураббийлар уларга касб сирларини кунт билан ўргатишади.

Шу ўринда «Дўстлик» ордени соҳиби Ўлмас Турсунов ҳақида алоҳида тўхта-сам. Ташкилотчи, сифат жонкуяри, ёшлар мураббийси чинданам ажойиб фази-лат эгаси. Кўп йиллик меҳнат фаолияти давомида ўнлаб лаёқатли шогирдлар тайёрлади. Улар ҳозирги кунда печлар ёнида тер тўкиб, пўлат қуйишмоқда. Ана шундай кишиларнинг саъй-ҳаракати тўғрисида тўғриликни тўғрилик билан қарши оламиз. Хусусан, жорий йилнинг дастлабки чорагида пўлат эритиш ре-жаси 106,9 фоизга, прокат маҳсулотлари тайёрлаш ва зўлди қуйиш 101 фоизга бажарилди. Энг муҳими, ишловчиларнинг моддий манфаатдорлиги тобора ошиб бормоқда.

Яна бир нарсани кишини қувонтиради. Сўнги йил-Илҳом Қурбонов, «Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бىроҳи қасаба уюшма қўмитаси раиси

## ИСЛОМ КАРИМОВ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 апрел кўни амалий ташриф билан Россия Федерациясига жўнаб кетди. Мамлакатимиз раҳбари сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистларга интервью берди.

Россия - катта сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятга эга мамлакат. - деди Президент Ислам Каримов. Владимир Путин Россия президентлигида иккинчи муддатга сайланган, мамлакатнинг ички ва ташқи сиёсатини ўзгартиришга йўналтирилган қатор ишлар амалга оширилмоқда. Маъмурий соҳада ўтказилган ис-лохотлар бу борадаги муҳим қадамлардандир.

Ўзбекистон ва Россия алоқаларининг тарихи узок. Мамлакатимиз муваққатликка эришганидан кейин бу алоқалар янгида мазмун-моҳият касб этди. Ўзаро тенг-лик ва шериклик асосидаги ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бугун ҳар иккала мамлакатда ана шу ҳамкорлик ту-фуайли салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бунини сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ажқол қўриш мумкин.

Лекин масалага бугунги кун талаблари нуктаи назаридан қарайдиган бўлсак, ўзаро алоқаларимиз, айниқса, иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигимиз имкониятлар даражасида эмас. Божхона соҳасидаги муайян мураккабликлар, темирйўл транспортида ташиладиган юк-лар учун устузма тўловларнинг баландлиги билан бо-ғлиқ масалалар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқ-тисодий алоқаларнинг талаб даражасида эмаслигига са-баб бўлаётди, дейиш мумкин.

Ташриф чоғида ана шундай долзарб масалаларни муҳокама этиш режалаштирилган. Бинобарин, бундан икки томон ҳам бирдай манфаатдор.

## ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

МОСКВА. 15 апрел. (ЎЗА махсус мухбири Анвар БОБОВЕВ хабар қилади). Россия Президентининг Ново-Огарёводаги қароргоҳида Ўзбекистон Рес-публикаси Президенти Ислам Каримов ва Рос-сия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Сўхбат чоғида Ўзбеки-стон-Россия муносабатла-рига оид, минтақавий ва томонларни қизиқтирган халқаро масалалар му-ҳокама қилинди.

Ислам Каримов Владимир Путинни прези-дент сайловида ғалаба қозongan муносабати билан яна бир бор қутлади. Унинг ғалабаси Ўзбеки-стон билан Россия ўртаси-даги ўзаро ишончли, дўстона муносабатларни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлишини қайд этди.

Ўзбекистон ва Россия алоқаларини ҳар томонла-ма ривожлантирмоқда. Утган йили Ўзаро товар ай-риб ошлар ҳажми 25,8 фоиз ўсиб, 1 миллиард 149,1 миллион АҚШ дол-

ларини ташкил этди. Президентлар бу микдорни янада ошириш имкониятла-ри мавжудлигини таъкидла-дилар. Айниқса, нефт-газ, озик-овқат ва энгил саноат соҳаларида ҳамкорликни кенг қўламада ривожланти-риш мумкин.

Мунтазам давом этаётган олий даражадаги мулоқот-лиқ ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ҳамкорлигини ри-вожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Президентлар Мувақ-қат Давлатлар ҳамдўстлиги ва Шанхай ҳамкорлик ташки-лотини доирасидаги алоқалар кенгайтиганини таъкидла-дилар. ШХТнинг жорий йил июн ойида Тошкентда бўла-диган саммитига тайёрла-рикка оид масалалар юзаси-дан ҳам фикр алмашилди.

Ислам Каримов ва Владимир Путин Ўзбеки-стон-Россия муносабатлари бундан буён ҳам ўзаро ишонч ва манфаатдорлик асосида ривожланиб бора-веришига ишонч билдирди.

Президент Ислам Каримовнинг Россия Феде-рациясига амалий ташри-фи давом этмоқда.

Шу йилнинг 20 апрелидан 1 майгача Тошкентда «Илҳом-XX» халқаро замонавий музыка фестивали бўлиб ўтади.

Франция элчихонаси мада-нийят бўйича маслаҳатчиси Иоан Юрснинг таъкидлаши-ча, ушбу аънавий фести-вал Ўзбекистон маданият иш-лари вазирлиги, республика Бастакорлар уюшмаси, Давлат консерваторияси, Тошкентда-ги Виктор Гого номли фран-цуз маданият маркази, Герма-ния, Италия, АҚШ, Швейца-рия элчихоналари, Гете ин-ститутини ҳамда Швейцария қўлаб-қувватлаш ва ҳамкор-лик жамғармаси томонидан ташкил этилмоқда.

### «ИЛҲОМ-XX» ФЕСТИВАЛИ

Тошкентда ўтказиладиган «Илҳом» фестивали менинг назаримда энг йирик мада-ний воқеага айланади, деди Иоан Юрс. «Бу учрашуви биз ҳар йили орақимиз кутамиз. Навбатдаги тўққизинчи фести-вал чинакамига миллий қам-ров касб этди. Фестивалда кирқа яқин хоржий ва ўзбек созандаларини тинглаймиз. Маҳаллий жамоалардан «Туркистон» камер оркестри ва хонандлар ансамблини мисол келтиришимиз мумкин. Шунингдек фестивалда Фран-ция, Россия, АҚШ, Германия ва Туркменистон вакиллари ҳам иштирок этади.

«Туркистон-пресс»

## «Ишонч»га жавоб берадилар ҲАҚЛИ ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

Тахририятимизга Ангрэн шаҳридаги хусусий йўловчи ташуи уюшмасининг бир гуруҳ ходимлари томонидан шикоят хати келган. Унда транспорт хизмати кўрсатиш соҳасида айрим муаммоларнинг шаклланиётгани, баъзи қўчалар ёпиб қўйилиб, аҳолига ноқулайликлар туғдириляётганлиги баён қилинган. Тахририят уни адолатли қўриб чиқиши учун Тошкент вилоят ҳокимлигига йўллади. Яқинда ана шу хатга жавоб олдик. Унда жўмладан шундай дейилади:

«Ангрэн шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон автомобил ва дарё транспорт агентлиги вилоят ҳудудий бўлими, бошқа ташкилотлар мутасадди ходимлари томонидан ушбу шикоят хати жойида ўрганилди ва қуйидагилар аниқланди. Шаҳар ҳокимининг 2003 йил 29 декабрдаги «Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва автомобиллар тўхташ жойи-ни тартибга солиш тўғрисида»ги 107-Ф-сонли фармои-шига асосан «Ўзбекистон муваққатлиги» кўчаси бўйлаб автомобиллар қатнови бир томонлама ташкил этилган ва тегишли йўл белгилари билан таъминланган.

Ноқонуний фаолият кўрсатаётган «Тико», «Жигули» русумли 9 та энгил автомобили ва 1 та «РАФ-2203» русумли микроавтобус ҳайдовчиларига баённомалар тузилиб, чора қўриш учун Давлат солиқ инспекциясига юборилди.»

Ш.ҚОСИМОВ, Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари



Данғара туманидаги «Наймача» ширкат ҳўжалигида меҳнатқаш-ларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, аҳолига намунали тиббий ёр-дам кўрсатиш борасида ибратли ишлар олиб боришмоқда. Бу ерда мунтазам равишда кундузги шифохона фаолият кўрсатиб келяпти. Ҳўжаликда 34,5 минг аҳоли истиқомат қилади. Иккита фуқаролар йиғини, тўртта қишлоқ врачлик пункти мавжуд. Қувонарлиси, ҳўжа-ликда ўз маблаглари ҳисобидан биринчи тиббий санитария ёрдам кўрсатиш муассасаси қуриб, фойдаланишга топширилди.

Суратларда: кундузги шифохона ҳамширалари (чапдан) Сабоҳон Комилова ва Ҳавоҳон Боймуродова; ҳўжаликда қуриб фойдаланишга топширилган тиббий санитария ёрдам кўрсатиш муассасаси.



## АҚШ - ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИГА

Мамлакатимизда со-ғлиқни сақлаш тизими-ни ислоҳ қилиш дас-тури бўйича оналар ва бо-лалар саломатлигини муваққатлаш борасида катта ишлар қилинмоқ-да. Тиббиёт муассаса-ларини замонавий тех-нологиялар билан жи-ҳозлаш, шифокорлар ва ҳамширалар малакаси-ни ошириш бўйича қўшма лойиҳалар амал-га оширилмоқда. Нати-жада бугунги кунда со-ғлиқни сақлаш тизими ходимлари энг замона-вий ускуналар ва тиббий техникага эга бўлиди.

Умумий қиймати 7 мил-лион АҚШ долларидан ор-тиқ бўлган тиббий матери-аллар ва ускуналардан иборат юнионг келтирили-ши бу хайри ишда ана бир қадам бўлди. Миллий мубтўт марказида Зараф-шон-Ньюмонт Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси ва АҚШ Давлат департа-менти томонидан молияла-надиган ХОУП лойиҳаси ташаббуси билан олий ке-лингдан мазукур юнион топ-шириш маррасими бўлиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, бу-гунги кунгача ҳамкорлик доирасида тиббий доридор-донлар ва ускуналар шаклида умумий қиймати 40 миллион долларидан ор-тиқ хайрия ёрдами кўрсатилди.

Дори-дармонлар ва ус-куналарнинг қиймати 4 миллион долларга тенг қисми Соғлиқни сақлаш вазирлигига берилди, сўнгра у Навоий вилояти-да, жўмладан, Навоий, За-рафшон, Муромтош шаҳар-ларида тақсимланади. 2 миллион долларга тенг бо-шқа қисми бугун мамлакат бўйлаб тиббиёт муассаса-ларига тарқатилди. Қол-ган қисми Соғлиқни сақ-лаш вазирлиги ва ХОУП лойиҳасининг Навоий, Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида оналар ва болалар саломатлигини яхшилашга қаратилган биргаликдаги лойиҳаларда да иштирок этувчи тиббий муассасаларга берилди.

Маросимда АҚШнинг мамлакатимиздаги Факу-льтета ва муқтор элчиси Жон Пурнелл қатнашди.

Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ, «Ишонч» мухбири

Бўқадан Бекободга чиқаришдаги катта йўл бўйи-да «Янги ҳаёт» маҳалласи жойлашган. У муваққатлик йилларида ташкил топди. Қираверишда - ўнг томонда бошланғич синфлар учун мактаб, богча бинолари қури-лиши бошланган. Сўл ёқда эса усти ёпиқ бозор, қатор савдо расталари, аммо уларнинг бирортаси ишламай-ди ёки қурилиши бошланган-у аю йўлда қолган...

Бозорча ёнида ўтирган уч нафар нуруний сўхбатчи-га қулоқ тутамиз. - Бу жой-лар фойдаланишга топши-рилганида кўпбал ёшларимиз ишли бўлишарди, мак-таб ҳам ёнгинамизда бўларди.

Хўш, хайрили ишларни рўёбга чиқаришда нима ёки қим тўқинлик қилмоқда? Мақоламиз бошида қуйи-дагиларга қисқача тўхта-лас. Саноксиз қарвонлар ўтган бу йўллар яхши-ю, ёмонни кўп қўрди. Бир вақтлар Ҳамза номи билан юририлган ҳозирги Йўлдош Хожиматов ширкат ҳўжалигини Шариф-жон Валижонов бошқарарди. Кўп йил қилинди, ҳўжаликда барча соҳа шартнома режа-лари орғири билан удала-нардн. Бирок «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деб атал-миш ярамас ёрлик Ш.Вали-жоновга ҳам адолатсизлар-ча ёпиштирилди.

Сўроқ ва савол-жавоб-лар, турли йўсиндаги қий-ноқлар унинг тинқасини қуритганди. Бахтига Ўзбе-кистон Президентининг «Пахта иши» билан судла-ниб, республика ҳудудида-ги ахлоқ тузатиш муассаса-ларида жазо муддатини ўтаётган маққумларни авф этиш ҳақидаги Фармони жонига оро қилди. - «Пахта иши» масаласи бўйича жабр қўрганлар ора-сида биринчилардан бўлиб

шилди. «Муваққатлик» боғи барпо этилди. Лалми ўзлаштирилиб, пах-та, ғалла ва чорвачилик учун маҳсулотлар етиштирила бошланди. 8 киши билан иш бошлаган ҳўжалик азволари салкам 70 нафарга етиб, ёш-лар муқим ишли бўлишиди. Самарали меҳнат эоз кетма-ди. Ишчилар моддий манфа-аддорлигини ошириш қатори-да кам таъминланган, боқув-часини йўқотган оилаларга о-талиқ қилиш имкони ҳам ту-

## ФЕРМЕРНИ ЧЕКЛАШ ТАРАҚИЁТГА ТўҒАНОҚ БўЛИШДИР

гилди. Масалан, ўша кезлар-да 16 та кам таъминланган хонадон фермер ҳўжалигини манфаат қўрди. Шунинг-дек, ёшларнинг никоҳ, Меҳ-рибонлик уйи 12 нафар тар-бияланувчисининг суннат тўйлари ҳўжалик ҳисобидан ўтказилди.

«Нуруний-Дўстлик» фер-мер ҳўжалиги бу билан чек-ланиб қолмади. Унинг бўл-мас-режасидан жуда кўп хайри ишлар урин олганди. Афсуски, уларнинг айримла-ригина рўёбга қайди, холос. Ёшларни хўнарга ўргатиш ва касб-корга йўналтириш мақ-садига икки қаватли ишти-сослашган бино қурилиб, ҳайдовчи, тракторчи-механи-затор ва тикиш-бичиш уста-ларни курслари ташкил этил-ди. Керакали дастгоҳлар кел-тирилиб, уч гуруҳ - яхши 140 нафар лийгит-куз мутахассис-лардан таълим олишиб, хўнар сирларини ўрганишди.

Ишбилармон фермернинг 1992-2002 йилларга мўлжал-ланган кам таъминланган, уруш ва меҳнат фаҳрийлари, кўп болали оилалар учун 2000 квадрат метр бепул уй-жўли қуриб бериш режаси ҳам бор эди. «Янги ҳаёт» маҳал-ласида унинг 800 квадрат метри қурилиб, 8 та кам таъ-минланган оилаларга бепул берилди.

Шунингдек, «Нуруний» чойхонаси, пенсионерлар оромгоҳи, тикиш-бичиш цех-идан эшитсак:

«2000 йилнинг октябр ойи-да туман ҳокимлигининг маҳ-лислар залида ширкат ҳўжа-ликлари раҳбарлари ва фер-мерлар йиғилиши бўлди. Янги ҳоким залга кирибқоч мен ва яна ўн нафар фермернинг чи-каб кетишимизни, акс холда, йиғилиш ўтмаслигини айтиди. Сабабини сўрасак, кейин си-зга тўшунтиришади, - деди. Салдан кейин ҳоким муовин-ларидан бизи бизни ўз хона-сига олиб кириб, иштиримиз-

даги ёрни топшириш учун мажбурий ариза ёздирди...» Фермернинг таъкидлашича, ораддан ҳафта, ўн кун ўтиб, ариза ёзганларнинг даярли баришча яна ёрни қайтариб олтишган. Ана ҳоло! Агар ан-глизашилмовчилик бўлган бўл-са, нега «Нуруний-Дўстлик» ёр-лари ҳам ўз эгасига қайтарил-мади?!

Бугунгача ҳўжалик учун мав-ҳум бўлган бу масала Шариф-жон Валижоновнинг ҳам қаттиқ йўналтирилди. Ўзи бошлаган хай-рли ишларни охирига етказиш унинг асл мақсодида айланган-ди. Шу боис бир неча бор ту-ман ҳокимлигидан мутасадди-ларга рўмбар бўлди. Жавоб эса бир хил: - «Сизга албатта ёрни қайтарамиз, фақат бошқа жой-ларга бориб юрманг».

Баҳорда олмаси ёрни, - дей-ишди, қўз қолди, ойлар, йил-лар бўлди, бироқ мулк эгасига қайтмади. Фермер бир неча бор вилоят ҳокимлигига ва бо-

Оролбўйи корхоналарида

Қўшимча ТАЪТИЛ

Устурут кенгликлариде лойиха қиймати 250 миллион АКШ доллари микдорига тенг Кунгирот сода заводи қад кўтармоқда. Корхонанинг бош ишлаб чиқариш иншооти, Унлаб куп қаватли уйлар, мактаб, болалар боғчаси, тиббий пункт ва бошқа инфратузилма тўрмоқлари учун ишлатилаётган бинакорлик материаллари Қорақалпоғистон Республикасининг ўзида тайёрланмоқда. Хар кун зарбдор иншоотга йирик панел плиталар, девор учун ишлатиладиган блоklar, устунлар, пойдевор ускуналар жўнатиляпти. - дейди Тахиртош темир бетон материаллари заводи директори, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган қурувчи Турғунбой Утбергенов - Чунки мамлакатимиз санвати учун қатта аҳамиятга эга бўлган сода заводининг тезроқ қуриб битказилиши мамлакатимиз иқтисодий салохиятини оширишига хизмат қилади.

Акционерлик жамияти республикадаги илғор жамоалардан. Шу боис корхона маъмурияти, ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлари янги технологиялари ўнлаштириш ҳисобига ишлаб чиқариш қувватини йил сайин оширишмоқда. Бугунги кунда бу ерда тайёрланаётган турли хилдаги темир-бетон конструкциялари қурилиш майдонларига пешма-пеш этказиб берилаяпти.

Бозор талабларига қараб иш қўрган бинаюртмачилар жанам алоқани муштамлашга ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун бинаюртмачилар заводи ускуналарнинг стандарт меъёрларига мос келишини, чидамлигини, ва юқори сифати ҳақида ижобий фикр билдиришди. Бригада бошлиғи Рустам Қолбоев, тажрибали уста Бекетой Синков кунлик, ойлик топшириқларнинг бажарилиши устидан қатъий назорат ўрнатилган. Моҳир электр пайвандчи Шентемир Утепулатов ҳар бир ишни аниқ ва пухта адо этишга одатланган. Масалан, Шентемир пайвандлаган ускуналар темирдан ҳам муштам ва чидамли.

КОЛЛЕЖЛАРГА «ТИКО»

Виллоятдаги етти та кишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежиа Япония кредити ҳисобидан молиялаштирилган «Ўзбекистонда ўрта махсус, касб-хўнар таълими тизимини ривожлантириш» лойиҳасига бинаон етти та «ТИКО» автомашинаси топширилди. 57 миллион АКШ доллари микдорига Япония кредити мамлакатимиздаги етти коллежда таълим самарадорлигини оширишга, ўқув жараёни ва ишлаб чиқариши мувофиқлаштиришга йўналтирилган. Жумладан, Қарши, Шаҳрисабз, Чоршанбе, Касби, Камаш, Чирқоч кишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежларининг ҳар бирига лабораториялар, ўқув устаноналари, фан кабинетларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш ва ишлаб чиқариши йўлга қўйиш учун бир миллион АКШ доллари микдорига маблағ ажратилди. Касби ва Чоршанбе кишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежларида гушт, сўт ва меваларни қайта ишлашга мўлжалланган кичик цехлар ўрнатилди.

Иззат ХИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири



Пастдарғом туманидаги «Жума» ремонт механика заводи 1974 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда 70 хилга яқин маҳсулот ишлаб чиқарилади. Корхонада 130 нафар ишчи меҳнат қилади. Ишчиларга барча кулайликлар яратилган. Бир сменада 8 тонна хомашў ишлаб чиқарилмоқда. Маъмур корхона Самарқанд вилоятининг 9 та пахта заводларини техник хизмат, той пахталарини симлар билан таъминлаб келмоқда.

Суратларда: илғор ишчилар Раҳматилла Латипов, Соҳиб Раҳимов. Фулом ХИДИРОВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида кичик ва хўсусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида урғу берилган. Ҳўш шундай экан, банклар фаолиятида, иқтисодиётимизнинг эртанги кўни, юртимизнинг суянчи ва таянчи, умиди бўлган тадбиркорларнинг қундалик ҳаётида маъмур фармон қандай ўзгариши ясади, деган савол туғилади.

Авалло банк муассасалари ишбилармонлар билан олдинда гавжумлашди. Эндиликда ташкилотдан ташкилотга маблағ қўчириш бир пиёла чай ичгуна битяпти. Олдингидек, кредит сўраб, кимларгадир сарғайишлар, бўлар-бўлмас қоғозбозликлар барҳам топмоқда. Аҳоли омонатга қўйилган пулидан мўмайгина даромад топапти. Хўсуван, Акциядорлик-тижорат «Пахта банкнинг Кўрготепна туман бўлимида муайян ишлар қилинди.

Масалан, оилавий тадбиркор Музафаржон Қосимов муассасамизга тикунчилик цехи очиб истагиде молиявий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Микознинг талабини эътиборсиз қолдирмадик. Улуғбек Мирзаев, Аслбек Иминжонов, Барнохон Қозоқбоев каби тажрибали ходимлардан иборат хайит тадбиркорнинг тўлов қобилияти - кредит қўйилмасини қафолатлайдиган кўчмас мулки еки қимматли қозғолири бор-йўқлиги, яратилдиган иш ўрни, хомашў таъминоти тўғрисида мониторинг ўтказди.

Сабаб, банк тизими амалиётидаги тартиб-интизом ана шундай иш тутишини таъминлайди.

Ислохот инсон учун

КРЕДИТ ҲИСОБИГА ТИКУВЧИЛИК ЦЕХИ

қозо этади. Қисқаси, тадбиркорнинг янги цех очиш йўли билан ишлаб чиқариши ривожлантириш лойиҳаси бошқарув хайити йиғилишида муҳомамадан ўтказилиб, маъқулланди. Унга бир миллион сўм кредит ажратилишига келишди. Микозга пул маблағларини мақсадли ишлаштириш, бизнес-режа тузиш, харидорлар топиш, қарага олинавтган пул эвазига янги техника харид қилиш ҳақида йўриқномалар берилди.

Натижда ўқимай, ишламай юрган ёшлардан 4 нафари мўқим ишга, тайин маошага эга бўлишди. Маҳалладошларнинг узоғи яқин бўлиб, бежирим тикилган, пухта-пишиқ замонавий либосларни шу ёрнинг ўзида харид қила бошлади.

Ҳозирги кунда кредитларнинг асосий қисмини ишлаб чиқариш секторига йўналтириб бораётиб. Мақсад, кичик ва хўсусий тадбиркорлик риважига ҳисса қўйиш, янги иш

лиги билан фарқланади. Мижозларимиз орасида кредит қўйилмаларидан оқилона фойдаланиб, ишсиз юрган фуқароларни бошини қовуштириб, кичик корхоналар очаетган, янги технологиялар сотиб олаётган, бо

сўмлик кредит ҳисобига хайдов трактори сотиб олди. Натижда экин-тикин, ерга ишлов бериш ширкати жадаллашди. Фермерлик бошқа мижозларга ҳам техника хизмати кўрсатмоқда. Трактордан келавтган хизмат ҳақи эвазига эса фермер қўшимча даромад манбаига эга бўлди.

«Бешоғайни» фермер хўжалиги 10 гектар ерда деҳқончилик қилади. Жорий йилда 16,6 тонна пахта, 17 тонна галла етиштириш юзасидан шартномавий мажбурият олаб, иш юрймоқда. Муассасадилар яқинда минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш материаллари харид қилишда қўли қалдики қилаётганлиги ҳақида банкимизга маснада билан келди. Молиявий қўмағини орқали бу муаммо ечимини топди. Муқдорларга бир миллион сўмлик, 5 фоизлик устамаси билан кредит тақдим этилди. Қарз пулининг мақсадли ишлатилишини мақсадли назорат қилиб бордик. Қуни-кеча фермер банкимизга қўнғироқ қилди. У вақтида олинган ёқили билан чигит барвақт экиб бўлинганини, бугудай маъсалари минерал ўғитдан дармон олиб барвақт ривожланаётганлигини гапириб берди.

Анваржон ХОШИМОВ, Акциядорлик-тижорат «Пахта банк» Кўрготепна туман бўлими бошқарувчиси

МЕХР ВА МУРУВВАТ БОҒИ

Жиззах туманидаги Шўрбел кишлоғида «Мехр ва мурувват боғи» барпо этилди. «Жиззах хизмат» масъулияти чекланган жамияти жамоаси кишлоқ аҳли кўмағида 7,5 гектар ерга сув чиқариб, уч минг тундан зиёд мевали дарахт қўчатларини ўтказди.

Николларнинг бир қисмини келгуши йилдан ҳосилга қиради. Богдан олинадиган даромаднинг виллоятда мурувват уйлари ва болалар боғчаларидаги шарт-шароитни яхшилашга сарфлаш қўзда тутилган.

ТУҲФА

Юртимизда кичик ва хўсусий тадбиркорлик тобора ривожланиб бормоқда. Пойтахтимиздаги «НВ-DEVELOPMENT» хўсусий ишлаб чиқариш фирмаси ҳам ҳўкуматимиз томонидан ушбу соҳа вақилларига яратилган қўлайлик ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, кичкинтойлар талаб-эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда болалар ўйинчоғини ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

Хозирда корхонамизда тўрт турдаги ўйинчоқлар тайёрланмоқда. - дейди фирма директори Х.Улмасов. - Келажакда боғча ҳамда бошқа тарбия муассасалари эҳтиёжига қараб, маҳсулот турини кўпайтиришга ва ўйинчоқларнинг замонавий шакллари яратиш учун хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликни янада кенг йўлга қўйиш ниятидамыз.

Давур ЖОЗИЛОВ, «Ишонч» муҳбири

УМИД БИЛАН ЯШАЙДИ ИНСОН

Халқимиздаги бағрикенглик, кечиримлик каби ҳислатлар бугун қонунларимизда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Ўзбекистон Конституциясининг 11 йиллиги муносабати билан Эълон қилинган «Амнияти тўғрисида»ги Фармонга бинаон ҳазонни ўташ муассасаларидан қайтиб келганларнинг қувончи чекисиз.

Айни дамда бундай инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, ижтимоий ёрдам бериш уларни жамиятда ўз ўрнини топиб кетишларида муҳим аҳамият касб этади.

Роза САЙДАХМЕДОВА, «Ишонч» муҳбири

Муаммо ечимини кутади

Норин ва Қорадарё оралиғида жойлашган «Чўжа» кишлоғини билмайдиган одам Наманган ва Андижон виллоятларида кам топилади. Чунки қўшни виллоятга иши тушган одам борки, шу кишлоқдан юриб ўтмасдан иложи йўқ. Шу ердан ўтиб кетаяётганимизда йўл четиде турган танишимини қўриб тўхтадим.

Чўжа қишлоғига ИЧИМЛИК СУВИ ҚАЧОН КЕЛАДИ?

- Тинчликми? Қандай ёрдам керак? - сўрадим, салом-алиқдан сўнг. - Радиатор иш кўрсатиб қолди. Шундай қатта кишлоқда тоза ичимлик суви йўқ эмиш. Хонадонлардан биридан артезиан қудуғи суви топилиди. Танишимнинг ҳождати чиди. Лекин шундай обод кишлоқда тоза ичимлик суви йўқлиги мени хайрон қолдирди.

Биз билан ҳамсуҳбат бўлган ва шу ерда истикомат қилувчи Исроил Ахмедов, Дилмурод Рауфов ва Қомилжон Ахмедовларнинг таъкидлашларича, умуман, кишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлашга эътибор берилмаган, деб бўлмади. Тўқсонинчи йилларнинг бошларида бу йўналишда ҳаракатлар бўлган. Ҳатто илгариде асфальт ётқизилган «Мозор» ва «Темирчи» маҳаллаларидаги кўчалар бузилиб, тоза ичимлик суви қувурлари қўмилган. Лекин бирон марта сув келмаган.

«Чўжа»дан туман маркази томон юрганганимизда, иккинчи бир қадимий «Учтепа» кишлоғига дуч келамиз. Хайдовчи йўлнинг Нуъмонжон Раҳмоновнинг гувоҳлик беришича, 200-300 метр жойга тоза ичимлик суви қувури ўрнатилган. Лекин бирон ронтасидан сув чикмайди.

«Норинка» кишлоғи марказидан ўтгангиздан сўнг чапга қайрилган йўл сизни Қорадарё ва Қолғандарё соҳиллари яқинидаги кишлоқлар яқини етаклайди. Биз улардан бири «Қорате» кишлоғида тўхтадик.

О.ЖУМАНАЗРОВ, «Ишонч» муҳбири

ТУРКИСТОН КўЧАСИДАГИ 1-УЙ нега ким ошди савдосига қўйилди-ю, ижроси қандай сабабга кўра тўхтади?

Дуннинг ишлари қизик. Баҳром Рўзметов ўша кун Хоразм телевидениеси кўрсатувларини томоша қилмаганида, Урганч шаҳар Туркистон кўчасида жойлашган 1-уй ким ошди савдосига қўйилди сотилаётганини ҳақиқатда эълонни эшитганимизда бу гаулардан бошига тушмасмикин. Ким ошдида голиблик у ёқда қолиб, на уйини, на тўлаган 7 миллион сўмини қайтариб ололмади. Қоса тағидан нимқосаси чиқиб қолишини қаердан ҳам билибди, дейсиз.

«2003 йилнинг 20 ноябрида бўлган ким ошди савдосида укам Баҳром Рўзметов суд департаменти томонидан рўйхатга олинган, Ойгул Рўзметовнинг қарзи туғайли Урганч шаҳар, Туркистон кўчасидаги 1-уйни сотиб олгач, ҳужжатларни расмийлаштириш шартнома асосида нотариал тартибда менадега топширди, - деб эътибор урганчлик Л.Каримова. - Лекин ҳамма ҳужжатларни қонуний тарзда рўйхатдан ўтказиб, мулк эгаси бўлишимизга қарамасдан жавабгар томони турли раёнлар билан уйга қиримизга тўқсинлик қилмоқда».

Дарвоқе, аввалло уй қай йўсинда ким ошди савдоси орқали сотилгани-ю, янги мулк эгасининг уйга қиринишига қилган тўқсинлик қилаётганлиги ҳақида батафсилроқ тўхталасек. Суд қарор ва ажримлардан хамда ижро маълумотларидан маълум бўлишича, Урганч шаҳрида яшаган Ойгул Якубова мутта-

СИБга 2003 йилнинг 23 январиде келиб тушиб, суд ижроси Х.Абдуёзов томонидан ижро иши қўзғатилган бўлсада, қарздор суд қарорини бажармай, чақирқиқа келмай қўяқолган. Суд ижросини Р.Боисов савий-ҳаракати билан О.Якубованинг қарзи ҳисобига ижрога қаратиш мўқим бўлган шаҳарнинг Туркистон кўчасида етиҳъдан орқича уйи борлиги, у ерда хеч ким яшамаслиги аниқланган. Маҳалладеғилар, фуқаролар йиғини раис О.Архиве хам бунд таъкидлаган. Тегишли идоралардан Туркистон кўчасидаги 1-уй 1995 йил 6 майдаги 1-638-сонли реестр билан гувоҳлаштирилган олди-соти шартномасига бинаон Ойгул Якубовага тегишлилигини тасдиқловчи маълумот хам олинган. Қизғич шундаки, Ойгул Якубова билан Шодурди Қўзиев билан никоҳдан қонуний ажридан қарорлардан сўнг сотиб олган. Унга шунингдек, Санкт-Петербург шаҳридаги Газова-6 15-уйнинг 11-хонадонини, Урганч тумани Наврўз кўчасидаги 14-уй, Урганч шаҳар Тинчлик кўчаси 2-«Б» уйнинг 33-хонадонини хам тегишли экан. Унинг ҳисобига «Фортранзит», «Икарус» машиналари хам қайд этилган бўлиб қиди. «Фортранзит» қарздорнинг уқаси Рустам Собировнинг иш жойида гилдараксиз, моторсиз, яроқсиз ҳолда

Ажаб савдолар

равийша хабардор қилинган. СИБ ва биржа ўртасида шартнома тузилган, 20 ноябр кунни ўтказилган ким ошди савдосида Баҳром Рўзметов 7 миллион тўлаш ҳисобига голибликни қўлга киритган. 24 ноябр кунни биржа, харидор билан биргаликда уч томонлама шартнома тузилган. Унга қўра Д.Машариповага 3 миллион сўм, Ш.Жуманиёзовага 1.836 минг сўм, давлатга 967200 сўм, биржага 700 минг сўм, жами 6.503.200 сўм тўлаиб, қолган 496800 сўм СИБнинг депозит рақамига сақлаш учун туширилди хамда қарздорга орқича пулни олиш ҳўкуқи тушунирилган хат юборилди. Шундай қилиб, 2003 йилнинг 1 декабрида ижро туғайлиб, ижро варақаси судга жўнатилиб, Хаммаси жой-жойга тушган бўлса бўлмасда, дейсизми. Қаёқда. Қутилмаганда нисоли мулкни солиқ турмуш ўртоғи билан келишган ҳолда эғаллаб олгани Шодурди Қўзиев жойини бўшатиб беришдан қатъий нотиб боришди. Баҳром Рўзметов фуқаролик ишлари Урганч туман судига Ш.Қўзиевга нисбатан уйдан қичариш ва уйга киритиш ҳақида даъво аризаси билан қичарди. Суд даъвоини қаноатландирди. Шу йилнинг 19 март кунни фуқаролик ишлари ажримини билан ижро яна тўхтади. Бунга қарордан оқибатда унга етказилган моддий ва маънавий зарарини ким тўлайди?

Ялғоғ САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири

# «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради



**САВОЛ:** Тегишли соғлиқни сақлаш муассасяси касабга уюшма кўмитасининг раиси асосий ишидан ажралмаган ҳолда ишлайди. Ушбу муассасада иш берувчининг буйруғи билан ходим меҳнат интизомини кўпол равишда бузганлиги учун вазифасидан озод қилинаётган тақдирда иш берувчи касабга уюшма кўмитасининг розилигини олиш учун ёзма равишда мурожаат қилиши шартми?

**Б.НОРОВ,**  
Бухоро вилоят болалар юқумли касалликлар шифохонаси раиси уюшма кўмитаси раиси  
**ЖАВОБ:** Хатингизда келтирилган маълумотларга кўра ходим ўз меҳнат вазифаларини бир марта кўпол равишда бузганлиги учун уни иш берувчи Меҳнат Кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-банди билан вазифасидан озод қилмоқчи.

Бунинг учун иш берувчи Меҳнат Кодексининг 182-моддаси талабларини тўлиқ бажарган бўлиши шарт: ходимдан тушунтириш хати олиши, агар уни беришдан ходим бош торса уч ходим иштирокида далолатнома тузилиши, ходимнинг ноҳўр хатти-ҳаракати аниқлангандан сўнг (унинг касал ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмасдан) бир ой ичида интизомий жазо чораси сифатида ходимни вазифасидан озод қилиш мумкин.

Меҳнат Кодексининг 101-моддасига асосан башарти жамоа келишуви ёки жамоа шартномасида касабга уюшма кўмитасининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди. Корхона тугатилганда ва корхона раҳбари билан меҳнатга оид муносабатлар бекор қилинганда бундай розилик ҳисобга олинмайди.

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси Марказий кўмитаси ўртасида тузилган жамоа келишувига биноан ходимни иш берувчининг ташаббуси билан (МК 100-модда 2-қисмининг 1, 2, 3, 4-бандлари) вазифасидан озод қилинишида албатта касабга уюшма кўмитасининг олдиндан розилиги олиниши шарт. Бу тартиб республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги барча муассасаларга тегишлидир.

Меҳнат Кодексининг 22-моддасида касабга уюшмаларнинг ҳуқуқлари тўғрисида тушунча берилган. Унга мувофиқ касабга уюшмаларнинг ва улардаги сайлаб қўйилган органларнинг давлат ва ҳўжалик органлари, иш берувчилар билан ўзаро муносабатларидаги ҳуқуқлари қонун, уставлар, жамоа келишувлари ва шартномалар билан белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

1999 йил 23 ноябрда III-қурултойда қабул қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2000 йилнинг 24 мартда рўйхатдан ўтган «Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмасининг Устави» 72-бандига асосан бирлашган кўмиталар, муассаса, ташкилот, корхоналарнинг касабга уюшма кўмиталари, шаҳар, туман касабга уюшма кўмиталари раисларининг кенгаши, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмасининг шаҳар, туман кўмиталари, вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси кўмиталари, Марказий кўмитаси ҳуқуқий (юридик) шахслардир. Улар Марказий кўмита белгилаб берган нусхадаги муҳр ва тамгага ҳамда банкларда ўз ҳисоб-китоб рақамларига эгадирлар.

Меҳнат Кодексининг 101-моддаси 2-қисмига асосан касабга уюшма кўмитаси ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик бериш масаласи бўйича қабул қилган қарори ҳақида иш берувчига ёзма равишда хабар бериши керак. Бундай хабар меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсининг ёзма тақдимномаси олинган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида маълум қилинади.

Агар Меҳнат Кодексининг 100-моддаси сарлавҳасига эътибор берилса, унда «Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш» деб ёзиб қўйилган. Касабга уюшма кўмитаси иш берувчидан ҳеч қандай тақдимнома олмай туриб, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишига розилик берса, бунда меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан эмас, балки касабга уюшма кўмитасининг ташаббуси билан бекор қилинган бўлади.

Юқоридагиларга асосан иш берувчи ҳам, касабга уюшма кўмитаси ҳам юридик шахслар бўлиб тенг ҳуқуқлидирлар. Иш берувчи ҳам, касабга уюшма кўмитасининг раиси ҳам шуни ёддан чиқариб олиши керакки, касабга уюшма кўмитаси - бу коллегиал орган (7 ёки 9 ва ундан ҳам ортиқ сайлаб қўйилган кўмита аъзолари бўлиши мумкин). Шунинг учун меҳнат шартномасини бекор қилишга касабга уюшма кўмитаси розилик беради. Касабга уюшма кўмитаси иш берувчидан ҳеч қандай тақдимнома олмай туриб, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга ҳаққи йўқ. Шу сабабли иш берувчи ўз ташаббуси билан ходимни вазифасидан озод қилишга розилик сўраб касабга уюшма кўмитаси раиси (уни қандай лавозимда ишлашдан қатъи назар) номига эмас, касабга уюшма кўмитасига хат ёзиши шарт. Касабга уюшма кўмитаси хатни қонун ва Устав асосида қўриб чиқиб, қарор қабул қилади.

## Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабга уюшма Марказий кўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради



**САВОЛ:** Умумий ўрта таълим мактабларининг лаборатория мудириликка, умуман фан лабораторияларига нечта штат (ўрин) берилади?

**Х. НАЗАРОВ,**  
Қарши тумани  
**ЖАВОБ:** Лаборантлик лавозими мактаблардаги физика ёки химия кабинетлари учун қуйидагича ташкил этилади: тўлиқсиз умумтаълим ўрта мактабларида 9-18 та синф комплекслари бўлганда - 0,5 лавозим бирлиги, 19 та ва ундан кўп синф комплекслари бўлганда 1 лавозим бирлиги; умумий ўрта таълим ўқув юрталарида 9-18 та синф комплекслари бўлганда - 1 та лавозим, 19-28 - 1,5 лавозим, 29-39 синф комплекслари бўлганда 2-лавозим, 40 ва ундан кўпроқ бўлганда - 2,5 лаборант лавозими берилиши назарда тутилган.

**САВОЛ:** Менинг ёшлар етакчиси ҳамда синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкиллаштирувчи лавозимларда ишлаган даврим имтиёзли пенсияга чиқишида ҳисобга олинмайти, шу тўғрими?

**Д. МАДЕНОВ,**  
Шуманай тумани  
**ЖАВОБ:** Педагог ходимларни пенсия билан таъминлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади. Ушбу Қонуннинг 12-моддаси «к» бандига асосан ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-қарори билан тасдиқланган ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, лавозимлар ва курсаткичлар 3-рўйхатининг VII қисмига асосан умумтаълим муассасаларининг педагог ходимлари умумий белгиланган пенсия ёшидан 5 йил олдин, яъни аёллар 50 ёшдан, эрақлар 55 ёшдан камида 25 йиллик махсус иш стажига эга бўлган тақдирдагина имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эгадирлар. Синфдан ва мактабдан ташқари ишларни ташкиллаштирувчи лавозимлар 3-рўйхатида кўрсатилган бўлиб, унда ёшлар етакчиси лавозими имтиёзли пенсияга чиқувчилар орасида назарда тутилмаган.

## Саволингизга Ўзбекистон Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшма Марказий кўмитаси ҳуқуқ нозири Орифжон Ғайназаров жавоб беради



**САВОЛ:** Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қай пайтларда ва ойлик маошнинг неча фоизи миқдориди туланади.

**Г. БОБОЖОНОВ,**  
Гурлан тумани  
**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 8 май 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ходимнинг касаллик варақасига асосан туланади.

Касаллик варақасида белгиланган тартибга мувофиқ вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотиш билан боғлиқ касаллинида (шикастланишда), ҳомиладорлик ва туғиш таътилида, санаторий-курортларда даволанганда, касалланган оила аъзосини парвартишлаш зарур бўлганда, карантинда, сил ёки касб касаллиги туфайли вақтинча бошқа ишга ўтказилганда, меҳнат қобилиятини тиклаш ёки протез қўйдириш учун реабилитация муассасаларига ётқизилганда берилади.

Қўрида таъкидланган Низомга асосан вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси қуйидаги ходимларга уларнинг иш стажига қараб бўлишдан қатъий назар иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди туланади:

- ишлаётган иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига;
- байналмилал жангчиларига ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;
- қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки ундан ортиқ болалари бўлган ходимларга;
- Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қанашган ходимларга;
- меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга.

Шунингдек, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа ҳам иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди берилади. Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича ҳисобда турган ходимларга умумий иш стажига:

- 8 йил ва ундан ортиқ бўлса иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди;
- 5 йилдан 8 йилгача бўлса иш ҳақининг 60 фоизи миқдориди;
- 5 йилгача бўлса иш ҳақининг 60 фоизи миқдориди нафақа туланади.

Сил касаллиги, онкология касалликлари, СПИД, мохов (лепра) касаллиги, руҳий касалликлар ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касаллик ҳисобланади. Қўрида айтиб ўтилган тоифадаги ходимлардан ташқари қолган ходимларга нафақа қуйидаги миқдорларда туланади:

- умумий иш стажига 8 йил ва ундан ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин етимларга иш ҳақининг 80 фоизи миқдориди;
- умумий иш стажига 8 йилгача бўлган ходимларга иш ҳақининг 60 фоизи миқдориди.

Нафақа миқдори барча ҳолларда республикада белгиланган энг кам иш ҳақидан кам бўлмашлиги лозим.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси (ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари бундан мустасно) ходимларнинг солиқ солинадиган даромадига киритилади ва улардан ҳам солиқ олинади.

**«Олой деҳқон бозори» очик Акциядорлик жамияти Умумий Мажлис тури: Акциядорларнинг навбатдаги Умумий Мажлиси Умумий Мажлис ўтказилган вақт: 2004 йил 22 март соат 12-00. Умумий Мажлис ўтказилган манзил: Юнусобод туман Ҳокимиятининг мажлислар зали. Умумий Мажлисида қатнашганлар: 26469 та овозга эга бўлган 46 та акциядор. Умумий Мажлис кворуми: 85,9 фоизни ташкил этди. Умумий Мажлис кун тартиби асосида берилган овозлар натижалари.**

1. «Олой деҳқон бозори» ОАЖнинг 2003 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан Жамият бошқарув раисининг ҳисоботи 26462 та овоз билан тасдиқланди.
2. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан аудиторлик хулосаси 26461 та овоз билан тасдиқланди.
3. Жамиятнинг 2003 йил якуни бўйича молиявий ва ҳўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи 26461 та овоз билан тасдиқланди.
4. Жамият Кузатув Кенгашининг 2003 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисоботи 26461 та овоз билан тасдиқланди.
5. Жамият 2003 йил молиявий ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича Жамият баланси 26461 та овоз билан тасдиқланди.
6. Жамиятнинг 2003 йил молиявий ҳўжалик ҳисоботи якуни бўйича даромадларни ва дивидентлар миқдори ҳамда уни бериш тартиби 26461 та овоз билан тасдиқланди.
7. Жамиятнинг 2004 йилги иш режаси (бизнес план)ни 26461 та овоз билан тасдиқланди.
8. Жамиятнинг 2004 йилги мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметаси 26461 та овоз билан тасдиқланди.
9. Жамиятнинг 2004 йил фаолияти учун Жамият аудитори 26461 та овоз билан тасдиқланди.
10. Жамият бошқарув раисини сайлаш тўғрисидаги масалани кейинроқ қўриб чиқиш 26461 та овоз билан тасдиқланди.
11. Жамиятнинг Кузатув Кенгаши таркибига ўзгартириш киритиш масаласи 26461 та овоз билан тасдиқланди.
12. Жамият Низомига ўзгартириш киритиш масаласи 26461 та овоз тасдиқланди. Дивидентлар Умумий Мажлис ўтгандан сўнг 60 кун ичида берилади.

# ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ВА МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ ТАРМОҚЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ

**«Ўзбекистон металлургия комбинати» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси меҳнат жамоасини корхона ташкил топганлигининг**

**60 йиллик тўйи билан қизгин муборакбод этади**



**Корхона аъзоларига бахт-саодат ва муваффақият ҳамиша ёр бўлсин!**

Маҳалланг - отанг, онанг

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб, маҳаллаларга бўлган эътибор кучайди. Бугунги кунга келиб маҳалла фуқароларни бирлаштирадиган, элнинг имкониятларини руёбга чикарайдиган маскан сифатида тобора кўпроқ эътироф этилмоқда.

«ДЎСТЛИК» ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Сариосиё тумани Қурувчилар шаҳарчасидаги «Дўстлик» маҳалласи йилдан йилга чиroy очмоқда. Унинг шундай номлини бежиз эмас. Бу ерда 10дан зиёд миллатлар ахил, бир оила фарзандларидек истиқомат қилишади.

Биий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминланган. - Оилалар тинч ва фаровон турмуш кечириши, фарзандларимизнинг етуқ, баркамол бўлиб етишишда маҳалланинг ўрни беқиёс, - дейди фуқаро-лар йигини раиси Имомберди Икромов.

бошқармоқда. Ободончилик, ёшлар билан ишлаш, хотин-қизлар, ҳуқуқ-тартибот, тадбиркорликни ривожлантириш, тўй ва маракаларни ўтказиш комиссиялари шулар жумласидандир. Маҳалла оқсоқоллари Файбулла Жўраев, Махманазар Очилов ва Шахобиддин Эгамовлар оилаларда юзага келадиган муаммолар ечимини топишга ва тўғри йўл кўрсатишга доимо тайёрдирлар.

Тўлкин ЖАЛИЛОВ, «Ишонч» мухбири

Хотира уйғонса гўзалдир

«СИЗНИ ЎЙЛАМАСДАН ЯШАРМАН ҚАНДАЙ?»

Ишдан баъзан чарчаб қайтасиз: на куласиз, на сўз айтасиз. Толиқтирар шовкинли шаҳар, бетонли деворлар биқинни чақар. Негадир сизга туюлади кам - баҳор келмас киш тугаса ҳам. Болангиз сўзи ҳам ёқмас қулоққа: кетгингиз келади сахро ё тоққа. Китоблар қатидан қидириб таскин, дарсхона томонга юрасиз секин.



Архив

Сизга дуч келолмас болаларингиз, китобдан боқадди нолаларингиз: Оламни эркалаб, эрка сўз излаб, Боламни эркалаб бир сўз айтмайман. Мушукдай суйқалиб келса ҳам музлаб, Бетида бир ўпмай уйдан ҳайдайман...

бевафо у қалам қошлингизни. Ёдлайсиз ёшлиқнинг олтин изини, кишлоқнинг индамас, «содда» кизини: Севеди. Куяди. Қиладди алам. Дорға осинг, аммо айтмас бировга. Айтмай севингани севганига ҳам, Тегиб кетаверар бошқа қўвга!

Ва менинг саломим етказ аларга - Бобосин соғинган мусичаларга... Бобосин айтганин қиладди шоир - қуйлайди халқининг қалбига доир. Улуғлар ўзбекнинг тўнин, белбогин, капалаклар учиб юрган чарбоғин. Хаёлидан кетмас у яйдоқ дала, қамишзор курбақа ва бедапоя.

Момо ҳаёт; Шайхат қил, Қайтар мени аслимга. Уша шафқат йўлларим, Уша баҳор фаслинг!... Сураверар қишлоғи ҳақида ҳаёл - қалбини ўртайди қийин бир савол: Деҳқон болалари ўйнар хирмонда Сimgа боғлаб олиб бир тешик жомни.

УСТАЛАР МАХСУЛОТИ ХАРИДОРГИР

Республика халқ усталари ва ҳунармандлари «Хунарманд» уюшмасининг ун опти мингга яқин аъзоси томонидан жорий йилининг ўтган даври мобайнида салкам бир миллиард сўмлик махсулот ишлаб чиқарилди.


Жума ўғитлари

Шарқ машойхлари орасида бутун умрини Ҳақ йўлига тикиш билан бирга халқи, Ватани, умуман инсониятни зулм ва жаҳолатдан қутқариш учун жон фидо қилганлар кўп. Ана шундай мутафаккирлардан бири ватандошимиз Наҳмиддин Кубродир.

НАЖМИДДИН КУБРО

У ўз ақидаларида кўпроқ Жунайд Бағдодий таълимотиغا суянади; тасаввуфий-фалсафий ғояларни исоломий таълимот билан ақинлаштиришга, уйғунлаштиришга интилади; бунда билиш назариясини устуни қўяди, унинг англаш ва тафаккур қудратига таянади.

Умр ва ризқнинг баракали бўлишини Оллоҳ таолога итоат қилишда кўрдим. Дунё-ю охирад яхшиликнинг қаноатда, ёмонлигини таъмада кўрдим.



Сиддиқжон МҶМИНОВ, филология фанлари доктори

КУТУБХОНА ВА ТАРАҚҚИЁТ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида илмий кутубхоналар филологияни тақомиллаштириш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Наҳмиддин Кубро етти маротаба Ҳақ қилиб, қирқ йиллик умрини сафарда ўтказиб, юрт қизиб, юзлаб замона алломалари билан суҳбатлашган, баҳсу мунозаралашган.

ЭНГ НАМУНАЛИ ОИЛА

Халқимизда оила муқаддас тушунча саналади. Хар бир одамдан унга масъулият билан ёндашиш талаб қилинади.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Меҳр-муруват қалбдан бирлашиб, жипслишди деганидир. Ҳозирда шу мазмунда ўтказилаётган кўнлаб тадбирлар халқимизнинг умумий мақсад сари бирдамлик ва ҳамжихатликка қадам ташлаётганини аналтади.

Хабарлар оқимидан

Ўқитувчиси Рустам Курёзовлар оиласи танловда I ўринни эгаллади. Ҳазорасп туманидаги «Бойчек» болалар ёрдами кўрсатиш муносабати билан хайрия тадбири ўтказилди.

Тўлкин ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбири

Ўқитувчиси Рустам Курёзовлар оиласи танловда I ўринни эгаллади. Ҳазорасп туманидаги «Бойчек» болалар ёрдами кўрсатиш муносабати билан хайрия тадбири ўтказилди.

«ШУНҚОРЛАР» КУЧ СИНАШДИ

Жиззах олий харбий авиация билан юртида мактаб ўқувчиларининг анъанавий «Шунқорлар» харбий спорт мусобақаларининг вилоят босқичи якунланди.

Тўлкин ШЕРНАЕВ, «Ишонч» мухбири

ЎзқуФК қошидаги Курортлар бошқармаси молия бўлими мудирини бош ҳисобчи Б.Юсупалиевага ўқаси Рустам ЮСУПАЛИЕВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардик изҳор этди.

ISHONCH MUASSIS: Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимҳужаева, Маъмура Одилова, Махмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош мухаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош мухаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.

Маълумот: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» қўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан руйхатла олинган.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.